



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 37  
(544)  
2007 йил  
4 сентябрь  
сешанба



## Акс-садо

# Миллат тақдирига дахлдор юк

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисдаги маърузаси ҳар бир ватандошимиз қалбига ҳаяжон солди.

Маърузани ТВ орқали тинглаган, матбуотда ўқиган замондошларимиз Истиқлолнинг нечоғлик сурони, қийин-қийин йўллардан ўтиб келётгани, мустақиллигимиз не бир машаққатлар эвазига мустақамланмаётгани, уни асраш, қўлдан бермаслик ҳар қайсимизнинг ҳаёт-мамоти-миз даражасидаги улуғ иш эканлигини ҳис этишди.

Эзгу мақсад йўлида жипслашган халқимиз, ўзбекистонликлар кўз ўнгида тарихан қисқа вақт оралиғидаги бунёдкорлик соҳнаси жонланди. Биз нимагаки эришган бўлсак, халқимизнинг хоши-иродаси, муштарак маслаҳи, мақсад-муддаоси, интилишларидаги узвийлик аққол намоян бўлди. Биз нимагаки эришган бўлсак, бир тан ва бир жон, енгү ёқдош бўлиб эришдик.

Айтишга осон: мустақилликда халқ ўз эркини ўзи қўлига олади, халқ ҳамма нарсани ўзи яратди, ўзи эга бўлади, дейиш осон. Ана шу яратувчанликка иштиёқ уқунлаган халқ руҳиятидаги тушовни суғуриб олиб ташлаш, бўрону довуларга дош бериб, эртанги кунга ишонч билан олдинга интилиш, оёққа қалқинишнинг ўша даврларда ўзи бўлмаган.

Ҳаёт уммонида тўлқинлар забти, музтоғлар зарбидан йўл топиб, сузиб бораётган озодлик кемаи дарғасининг зиммасида миллат қисмати-га дахлдор юк бор эди. Бу эса озодликнинг бардавонлиги, мангулиги билан боғлиқ, тарихий юк эди.

Маъруза билан танишган ҳар бир замондошимиз истиқлол тараққийотининг барча қирралари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Қўз тегмасин, бугун куч-қувватга тўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва макенини мустақамлаб бораётган Ўзбекистоннинг барча жаҳонлардаги равиши, юксалиш механизмининг қалити — аввало халқ жипслиги, тинч-тотувлиги, осийшталликда эканлигини идрок қиламиз.

Маърузада ҳар бир тармок ва йўналиш, иқтисодиёт бўладими, ижтимоий соҳа бўла-

дими, халқ фаровонлиги билан боғлиқ бунёдкорлик бўладими, халқро ҳаётда тутган ўрнимиз, маънавий эврилишлар, таълим-тарбия соҳаси бўладими, барча-барчаси кенг миқёсда зуққолик билан таҳлил қилинган. Истиқлол қадр, унинг нечоғлик буюк неъмат эканлигини халқимиз яна бир бора юрак-юракдан ҳис қилди. Ва бу соҳаларнинг ҳар бири ҳақида кечаги кун билан бугунни таққослаб, хулоса чиқариш имконига эга бўлди.

Маърузани тинглаб, матбуот саҳифаларида ўқиб, мағзини чаққан кишилар фақатгина ўз ақл-идроқимиз, салоҳиятимизга таяниб, ёруғ келажакимизни бунёд этишимиз мукаррарлиги, ҳеч қандай куч халқимизни бунёдкорлик йўлидан қайтара олмаслигини, нафақат ўз йўлимиз, тақдиримизни ҳам белгилаб олганимизни англаб етди.

16 йил мобайнида осонликча юзага чиқмаган улкан ишларимизнинг барчаси оламшумул воқеа, тарихий ҳақиқат сифатида ҳам бунёдкор ўзбекистонликларнинг сўнмас иродаси ва аъми-шижоатини намоян этади. Энг аввало, бу ишларни амалга оширилишида муҳими тинчлик ва барқарорлик, осийишталлик сақлаб қолинди. Юрт тинчлиги барча эзгу савий-ҳаракатларимиз яратувчанликнинг мустақам пойдевори бўлди.

Уша давр — 90 йиллар бошларидаги суронли йилларга эътибор қаратсак, Она-Ватанамиз тинчлиги раҳна солиб, барқорор ҳаётни издан чиқариш, мамлакатда фуқаролар уруши олови гурил-лаб ёнишни истаган, бутун минтақани қамраб оладиган

қалтис, тўс-тўполонли вазиятни юзага келтиришга уринган ташқи ёвуз кучлар мажбуриятини ёдга оламиз. Ана шундай ўта кескин вазиятда ўлкаимизда тинчликни сақлаб қолиш, кишилар қалбида ишонч, келажакка умид учкунларини ёқиб, шижоат ва қатъият билан халқни эзгу ишларга ундаш, даъват этишнинг ўзи бўлмасди, албатта. Юртимиз келажакни кўролмаган, бузғунчилик йўли билан тараққийот кemasини инқироз уммонида фарқ этишни жон-жон деб истаган ёвуз кучлар, бизга ҳар қандай йўл билан зарба беришга тайёр эдилар. Маърузада ўша фожиали ва таҳликали кунлар ҳақида тўхталган Давлатимиз раҳбари мана шундай ёруғ кунларга неча бор чиғирқилардан, ҳаётнинг тўсиқ ва ғовлари, талотумли тегирмонларидан эсон-омон ўтиб олганимизга ҳам ишора қилдилар.

Ҳақиқатан ҳам худо кўрсатмасин, ўша кунлар қатъият билан ўз тинчлигимизни асраб қолишимизда, осийишталлигимизни қўлдан берганимизда таназзул ботқоқига тушиб қолишимиз ҳеч гап эмасди. Ўша кезлар қатъий сиёсий ирода намоян этилиб, мамлакатни беҳалокат тарзда машаққатли синовлар гирдобидан олиб ўтилиши, пухта ўйланган стратегиянинг ишлаб чиқилиши, бугун, кўз тегмасин, ўз самарасини бермоқда.

Президентимизнинг маърузаси нафақат истиқлол моҳияти, тараққийотимиз мезонларини таҳлил қилиб беради, балки бизга, ҳар биримизга бошқа жиҳатлар қатори тинчлик ва осийишталликнинг нечоғлик улуғ неъмат ва буюк имконият эканлигидан ҳам сабоқ беради.

Шунингдек, туман ҳокими томонидан Сайхунбод туман ФХДБ бўлимида ўзининг

# Биринчи дарс — Мустақиллик сабоғи



Сайхунбод тумани марказида ФХДБ бўлими биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими А.Турдибоев, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари З.Абдувоҳидовлар сўзга чиқиб, ушбу ФХДБ бўлими келгусида ҳам минглаб ёшларнинг никоҳдан ўтиш шодиналарига гувоҳ бўлиб қолиши бораида сўз юритди.

Шунингдек, туман ҳокими томонидан Сайхунбод туман ФХДБ бўлимида ўзининг

Ж.Одилов ва Н.Зухуровларнинг никоҳлари тантанали равишда қайд этилди. Шунингдек, никоҳ маросимидан сўнг янги турмуш курган М.Муродовлар оила-сидан биринчи фарзанд туғилиши қайд этиш маросими (туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани бериш) тан-

танали равишда ўтказилди. Ушбу маросимда янги туғилган фуқарога ўзимизнинг урф-одатларимизга кўра боланинг кулоғига азон айтиш маросими ҳам ўтказилди.

Янги ФХДБ бўлими биноси туғилиш, никоҳ, ўлим, ажриларнинг қайд этиш хона-

лари, мудира ва архив хонаси, никоҳ маросимларини тантанали ўтказиш залларини ўз ичига олади. Бугунги кунда Сайхунбод туман аҳолиси 63 минг кишини ташкил этади. Туман ФХДБ бўлими томонидан 2007 йил 6 ой давомида 890 та туғилиш ва 268 та никоҳ қайд қилинди. Бу бино ҳали кўп оилаларнинг бахтли маросимлари ўтказиладиган ажойиб маскан бўлиши шубҳасиз.

Дилфуза ИРГАШЕВА

## ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛАДИ

Қирай тумани, «Май» қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Д.Муратов ва бошқаларнинг «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси тахририятига ёзган мурожаати Тошкент вилоят ҳокимлиги томонидан қўриб чиқилди.

Аниқланишича, «Май» қишлоғининг «Май», «Сунота» ва «Кенес» кўчаларида ичимлик сув таъминотида етишмовчилик бор. Бунга асосий сабаб — сув қувурлари кўп йил фойдаланилганлиги оқибатида эскирганлиги, маҳаллалардаги ички тармоқларнинг бир қисми ўз хизмат муддатини ўтаб бўлганлигидир.

Ушбу маҳалла аҳолиси «Қодир» сув иншоотидан ичимлик суви билан таъминланади. Ҳозирги кунда ушбу сув иншоотида реконструкция ишлари амалга оширилиб, сошлаш ишлари низоҳасига етказилмоқда. Бунинг натижасида аҳолига ичимлик сув етказиб бериш яқинланади.

Шунингдек, 2008 йилнинг иккинчи чорагида «Май» кўчасида 1 км узунликдаги сув қувурини тортиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Маъмур ҳудуддаги хонадонлар 110-сон ТП ва ундан кичуви 0,4 кв. ҳаво линиялари орқали электр энергияси билан таъминланади. Электр тармоқлари симлари кўпгина жойларда даракт шохлари орасида қолганлиги, шамол таъсирида қисқа туташув содир бўлганлиги натижасида электр таъминотида узилишлар содир бўлган.

Ушбу электр тармоқларини таъмирлаш ишлари ўз низоҳасига етказилмоқда.

## «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасининг 29-30-сонида чоп этилган «Кудукқа тушган игна» мақоласи вилоят адлия бошқармаси, вилоят эр ресурслари ва кадастр бошқармаси билан биргаликда атрофчила ўрганиб чиқилди.


ҲАТО БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Ўрганиш натижаларига кўра, Боев тумани, 1-Боевот ДФХУ, Б.Умурзоков бўлимида яшовчи, «Холбеков Дилмурод» фермер хўжалиғи раиси Холбеков Дилмурод шу ҳудудда фаолият юритаётган «Мухаммад Карим Жамшид» фермер хўжалиғи раиси Каримқул Мелиқўзи билан шу ҳудуддан ижарага берилган 108-контурдаги жами 28 гектар ер майдони («Холбеков Дилмурод» фермер хўжалиғи — 14 гектар, «Мухаммад Карим Жамшид» фермер хўжалиғи — 14 гектардан 4 гектар ер майдони туман ер ресурслари ва кадастр бўлими бошлиғи Суяров Эргаш томонидан расмиёштирилмаётгани ва чизмаси тайёрланмаётгани, иккала қайд этилган фермер хўжалиқларига фарқли чизмалар тайёрлаб берилганлиги маълум бўлди.

Жумладан, Э.Суяров томонидан «Мухаммад Карим Жамшид» фермер хўжалиғига тақдим этилган чизмаларга асосан, «Холбеков Дилмурод» фермер хўжалиғининг 14 гектар ер майдонининг 4 гектари «Мухаммад Карим Жамшид» фермер хўжалиғига қўшиб берилганлиги ва аксинча, «Холбеков Дилмурод» фермер хўжалиғига берилган чизмаларда эса 14 гектар ер майдони «Холбеков Дилмурод» фермер хўжалиғига ва 14 гектар ер майдони «Мухаммад Карим Жамшид» фермер хўжалиғига берилганлиги аниқланди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, туман ер ресурслари ва кадастр бўлими бошлиғи Суяров Эр-

## «ИНСОН ва ҚОНУН» га жавоб берадилар



гаш томонидан юқорида қайд этилган фермер хўжалиқларининг ер майдонлари контур чегарасини белгилашда йўл қўйилган хатolik бартарнаф этилиб, фермер хўжалиқларининг ер майдонлари контур чегарасини белгилашда хатolik йол қўйилганлиги, ўз хизмат вазифасига совуққонлик билан қараганлиги учун Э.Суяров вилоят ер ресурслари ва кадастр бошқармасининг буйруғи билан ағаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Бугунги кунда Боевот тумани, 1-Боевот ДФХУ, Б.Умурзоков бўлимидаги «Холбеков Дилмурод» ва «Мухаммад Карим Жамшид» фермер хўжалиқларининг ҳар бири 14 гектардан ер майдонига фаолият кўрсатишмоқда.

О.АШУРМАТОВ, Сирдарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

## ҚАРОР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Бош прокуратура томонидан фуқаро Қ.Расулованинг ўғли йўл транспорт ҳодисасига учраганлиги ҳолати юзасидан ҳайдовчи А.Ариқулловга чора кўрилмаётганиги тўғрисидаги аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, 2006 йил 23 декабр кунини соат 19.30ларда Чироқчи тумани, Ўзбекистон фермерлар уюшмаси, «Жар» қишлоғи ҳудудидан ўтган «Чироқчи-Қалқам» катта асфальт йўлида А.Ариқуллов ўзининг бошқарувида бўлган «Ваз-2106» русумли 18 Ж 2311 давлат рақамли автомобиласида велосипедда кетаётган А.Жумановни уриб юборган. Натижада А.Жуманов воқеа жойида вафот этган.

Маъмур ҳодиса юзасидан Чироқчи туман ИИБ ТБ томонидан терговолди текшириш ҳаракатлари олиб борилиб, 2006 йил

## ОТЛАР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига Қилич Абдухалиқов ва бошқа фуқароларнинг вилоят божхона бошқармаси ходимлари фаолиятдан норози бўлиб, тахририятдан амалий ёрдам беришни сўраб ёзган аризаси вилоят прокуратурасида қўриб чиқилди.

Аниқланишича, 2006 йил 3 декабр кунини Қашқадарё вилоятидаги харбий қисм чегара қўшинлари томонидан Нишон тумани ҳудудидан ўтган Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини Туркменистон Республикаси томонидан бузиб ўтган 12 бош эгасиз отлар ушланиб, тўпланган ҳужжатлар вилоят божхона

бошқармасига юборилган. Вилоят божхона бошқармаси томонидан олиб борилган суриштирув ҳаракатлари давомида 12 бош отларнинг эгаси топилмаганлиги сабабли, отларни эгасиз деб топиш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига 25.12.2006 йилда давво аризаси киритилган.

Фуқаро Қ.Абдухалиқов 2007 йил 13 март кунини фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судига ушбу отлар ўзига тегишли эканлиги ҳақида мурожаат қилган, суднинг ажрими билан материал вилоят божхона бошқармасига қайтарилган.

Вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан суриштирув ҳаракатлари ўтказилиши жараёнида чегарачилар томонидан ушланиб, божхона ходимларига топширилган отлар фуқаролар Қ.Абдухалиқов ва У.Максимовларга 2007 йил 2 май кунини кўрсатилганда, Қ.Абдухалиқов ушбу отларнинг 5 тасини белгиларидан таниб олиб, бу отлар ўзига тегишли эканлигини қўрсатган ва бу ҳақда вилоят божхона бошқармаси ходимлари томонидан тегишли баённомалар тузилган.

Маъмур ҳолат бўйича вилоят божхона бошқармаси томонидан 2007 йил 5 июль кунини Қ.Абдухалиқов ва У.Максимовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227-21-моддаси билан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, мазмунан ҳал этиш учун жиноят ишлари бўйича Гузор туман судига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Гузор тумани судининг 2007 йил 15 июндаги қарорига кўра, Абдухалиқов Қилич ва Максимов

Уринбой Бойбўриевичларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227-21-моддаси тўпланган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишда маъмурий ҳуқуқбузарлик аломати бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 271-моддаси 1-бандига асосан иш юритувидан тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227-21-моддаси билан Абдухалиқов ва Максимов Уринбойларга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ишининг бир қисми қўшимча суриштирув ҳаракатлари олиб бориш учун вилоят божхона бошқармасига қайтарилган. Бугунги кунда вилоят божхона бошқармаси томонидан таниб олинган 5 бош отни У.Максимов ва Қ.Абдухалиқовга қайтариб бериш чоралари кўрилиб, қолган отларнинг эгаларини топиш бўйича қўшимча суриштирув ҳаракатлари олиб боришмоқда.

Қ.Абдухалиқов ва бошқаларга нисбатан тўпланган материал бўйича сифатсиз суриштирув ҳаракатлари олиб борилганлиги, маъмур материал бўйича ўз вақтида қонуний қарор қабул қилинмаган сабабларига йўл қўйилгани учун вилоят божхона бошқармаси божхона суриштирув ишлари бўлими бошлиғи божхона хизмати майори С.Бегалиевага нисбатан интизомий жавобгарликка доир иш қўзғатилди.

Бу ҳақда ариза муаллифи Қ.Абдухалиқовга маълум қилинди.

А.ЖУРАЛОВ, Қашқадарё вилоят прокурори биринчи ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси







# "АСАКА" ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

## ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

барча юртдошларимизни озодлик ва ҳурлик айёми — Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати билан самимий қутлайди. Мовий осмонимиз узра балққан истиқлол қуёши мангу сўнмагай!



### Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги тантаналари давом этганда шу дамларда бекободлик ҳамюртларимиз учун ҳам қўшалок байрам бўлди. Зафар шаҳарчасида туман ФХДё бўлимининг янги биносини очиб маросими бўлиб ўтди.

Алимоваларнинг никоҳлари тантанали қайд этилди. Шунингдек, тантанавари янги туғилган чақалоқлар учун ёш келин-куёвлар, олтин тўй соҳиблари ва кам таъминланган оилаларга байрам совғалари топширилди. Ушбу қутлуг даргоҳда, халқимиз айтганидек, тўй-тўйга, байрам байрамга уланаверсин.

**Захро КАРИМОВА,** вилоят адлия бошқармасининг бош маслаҳатчиси

## ШОДЛИК ЭШИГИ

ФХДё бўлимининг янги биносини очиб маросимида туман ҳоқими Ш.Ҳамроев, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Б.Атама-тов, Адлия вазирлиги вакили Д.Якубова ва меҳнат фахрийси

А.Эгамназаровлар сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан ёш оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар ҳақида гапирди. Маросимда ёш никоҳланувчи оила Зоир Жуманиёзов ва Адиба

## ЭЪЛОН!

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Яққасарой ва Юнусобод туман 1-сонли давлат нотариал идоралари нотариуси лавозимига

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Насити мусхаси;
3. Бизлашган шаклда тўлдирилган шахсий варақча;
4. Меҳнат дафтаридаги нотариал тасдиқланган мусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомиде Тошкент шаҳар адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси телефони: 162-70-41

## Nafs БЎРИГА ДЎСТ ТУТИНГАН «ЧЎПОН»ЛАР



Қиш кунларидан бирида Аслиддин таниши И.Умирзоқовнинг уйига борди. Узаро салом-алиқдан сўнг у аста мақсадга кўчди. — Эшиттишимча, қўйларингизни боқиб берадиган чўпон кидираётган экансиз. — Ҳа, шундай. — Мени ишга олақолдинг. — Яхши бўларди. Танимаган, билмаган одамдан кўра сенга қўйларини топширсам, кўнглим хотиржам тортарди. — Ойига 30.000 сўмдан иш ҳақи бериб турсангиз бўлади. — Мен розиман. Аслиддин И.Умирзоқов билан шу тариха келишиб олди. Энди ишга киришиб керак. 600 бош қўй-қўзиларга қараш осонмас, ахир. Ҳар ҳолда Аслиддин бекорчиликдан

қутулганига хурсанд эди. Лекин, орадан бир неча ой ўтган, унинг фикри ҳаёли ўзгарди. «Шунча қўй-қўзилар бир одамга қўнлик қилмасмикин? Бир-иккитасини олсам, сони камайгани билиниб қолмас. Мабоодо сезиб қолса, бўрилар гажиб кетди, дейман». Бу уй Аслиддинга тинчлик бермай қўйди. 7 апрель кун и бир қарорга келди. Ортиқ уйлаб ўтирмади. Қўйлар орасидан иккитасини ажратиб олди-ю, шу қишлоқда яшовчи таниши У.Мурдоновнинг олдига олиб борди. Хол-аҳвол сўрашиб бўлиш-га, Аслиддин гап бошлади: — Мана бу қўйларни Исमत ака маошимга берган эди. Шуларино сотиб олаймикин? Улар тортиқлиган бўлди-да, икки бош қўйнинг ҳар бирини

50.000 сўмдан 100.000 сўмга баҳо-лашди. Аслиддиннинг кайфи чоғ. Уйла-ган режаси хамирдан қил суғурган-дек осон битди. Харидор ҳам қўйлар ўғирлик эканлигини билма-ди. Исमत ака буни сезиб қолмаса бўлди. Орадан сал кам бир ой вақт ўтди ҳамки, ҳеч ким ҳеч нарсани пайқа-мади. Бу Аслиддин учун яна ўғир-лик қилишга етарли имкон яратди. У бу сафар иккита қўйга қўшиб, бит-та қўзини ҳам сотиб юборди. Туш-ган 60.000 сўм фойдани ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатди. Шундан сўнг унинг нафси ҳақа-лак ота бошлади. Бирин-кетин ав-вал иккита қўзини, сўнгга битта қўйни сотиб юборди. Оқибатда У.Мурдоқовнинг мулкига 310.000 сўмлик зарар етказилди. Бирок Аслиддиннинг кирдикор-лари узоққа чўзилмади. Тез орада фоти этилди. А.Бухорев дастлабки терговдаёқ етказган зарарини қоп-лашга мажбур бўлди. «Кўр хассасини бир марта йўқо-тади», деб доно халқимиз бежиға айтганми. И.Умирзоқов чўпон тан-

лашда адашди. Аммо кейинги са-фар эҳтиёт бўлиш кераклигини унутдимми ёки ишонувчанлиги пан-д бердимми, яна бир марта «хассаси-ни йўқотишга» тўғри келди. Кўп ўтмай янги чўпон Ф.Норбе-ковга 800 бош қўйларини ишончи топширди. Афсуски, Фахриддин ҳам ишонччи оқламади. Яйловда ўтлаб юрган қўйлар Фахриддиннинг кўзига олтин қонидек кўриниб кет-ди. Бозор нархи 45.000 сўм бўлган битта қўйни таниши С.Яҳёевга со-тиб юборди. Шубҳа-ғумонга бориб юрмасин деб, ўзининг қўйи экан-лигини гап орасида кистириб ҳам ўтди. Ҳеч нарсдан хабари йўқ С.Я-ҳёев арзон-гаровга қўй олганига қувонди. Фахриддин текки даро-мадни ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди. Бир муддат кут-ди. Қараса, ҳеч ким ҳеч нарсани сезмади. Демак, яна ўғирлик қил-са бўлади. Фахриддин энди қўйга қўшиб битта эчкини ҳам етказиб олди. Яшигинга харидор бўлган С.Яҳёевнинг олдига борди. Лекин Ф.Норбековнинг ҳам хурсандчили-ги узоққа чўзилмади. Бу ишлари тез орада ошкор бўлди. Бу сафар қўй эгаси И.Умирзо-қов 165.000 сўм зарар кўрди. Суд Аслиддин Бухорев ва Фахриддин Норбековга нисбатан ўз ҳукмини чиқарди.

**Улғубек РАЖАБОВ,** Фаллаорол туман прокурори

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги жамоаси вазирлигини кадрлар бошқармаси бошлиғи Урунбосари Юсуфбай ҲАДЖАЕВга қизиқ Гўзалнинг бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Чакмоқтош

**БАЛИҚНИНГ ОҒИРЛИГИ ҚАНЧА?**  
Харидор сотувчидан: "Балиқнинг оғирлиги қанча?" деб сўради. Шунда сотувчи: "Думи-нинг оғирлиги 1 килограмм, калласи думи ва гавдасининг ярмича. Гавдаси эса, калласи ва думича келади" — деди. Топинг-чи, балиқнинг оғирли-ги қанча?  
**Ўрол ТУРДИБЕКОВ,** Жиззах вилояти, Жиззах туманидаги 14-мактабнинг 5-синф ўқувчиси

**ДЕРАЗАСИЗ УЙДА УХЛАЙСИЗМИ?**  
Шундай бир хизмат бор эканки, бу хизматга лойиқ номзодлар қандай талаблар-га жавоб бериши керак, де-ган саволга ҳайъат раиси бўлган офицер: "Биз бошқа талабларни қўйишдан олдин ҳар бир номзоддан дераза-сиз уйда узоқ ухлай оласи-ми, деган саволга аниқ жа-воб олишга ҳаракат қила-миз", — деб жавоб берибди. Номзодлар қандай хизмат учун танланган?

**"Чакмоқтош"да берилаётган ўн та саволга тўғри жавоб топиб, бизга мактуб йўллаган мухлис тахририятнинг қимматбаҳо совғаси билан тақдирланади.**

## БИР ҲОВУЧ ДУР

**ШОҲ ЎҒЛИ ТАРСАКИ ЕДИ**  
...Ривоят қилишларича, бир подшоҳ ўғлини устозга топширибди. Ўғил ўн йил ўрганиши керак бўлган ҳамма масалани ўрганиб чиқибди. Уйга кетаётганда устози бекордан-бекор унинг юзига қаттиқ тарсаки тортиб юборган экан. Шо-гирд тутингани учун под-шоҳнинг ўғли бу ҳўрликка чидаб, индамай уйга қай-тибди. Йиллар ўтиб, отасининг ўрнига шох бўлганда, би-ринчи қилган иш — усто-зини саройга олиб келиб-ди. Уша кунги тарсаки са-бабини сўраганда, устози шундай жавоб берган экан:

**АТРОФГА ТЕРАН ҚАРАНГ**  
Қадимги Хитой файласу-фи Сюн Ци: "Фақат ўз шах-сий манфаати ҳақида қай-ғу-риб, бурни унутмоқлик ўта-кетган пасткашлиқдир", — деган экан. Дарҳақиқат, қўлида бойлиги бор одамлар атрофида муҳтожлар ҳам борлигини, уларга ердан бе-риш вазифаси эканлигини унутмаслиги лозим.

**ТЎРТ УСТУН**  
Тўрт нарса инсоннинг ях-шилигидан далолат бера-ди, булар: камтарлик, бо-рига рози бўлиш, тилини ти-ийиш ва биродарларини яхши кўриш. Тўрт нарса эса ёмон-лик аломати экан, булар: дийнанинг қамлиги, хиёна-тининг қўлиги, ёлгон гапириш ва ваъдани бузиш...

## ДОНИШМАНДЛИК ДУРДОНАЛАРИ

**Замонлар ошса ҳамки, шоирнинг ўлимас сатрлари, олимнинг кашфиёти, файласуфнинг қарашлари эскирмайди. Айниса, фалсафанинг мумтоз дурдо-налари ҳисобланган афоризмлар, ҳик-матли сўзлар, ахлоқий ва тарбиявий фикр-мулоҳазалар йиллар давомида авлодларга сабоқ бериб, ҳар бир қалб-га ёруғлик ҳада этиди, инсонни фикр-лашга, тафаккури, дунёқарашини ўсти-ришга хизмат қилаверади. Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб**

**бундан қарий юз ва минг йиллар муқад-дам яшаб иҳод қилган, ўз даврининг буюқ файласуф ва алломалари ҳисобланган 96 нафар мумтоз донишманднинг дурдона фикрлари билан танишиб борасиз.**

**Ҳамкасимибиз Саида Жўраева томони-дан тўлаб таржима қилиниб, нашрдан чиққан «Ҳақиқат манзаралари» мажмуа-сидан олинган жаҳон тафаккур оламини дурдоналари ҳар бир давр учун қадрли ва аҳамиятли эканлигига ўзингиз амин бўласиз.**

**ҲАЗРАТ СУЛАЙМОН**  
(Тажминан мулоддан аввалги 960-935 йилларда ҳукмронлик қилган Ҳазрат До-вуднинг ўғли. Иудея ва Исроил давлатига ҳукмронлик қилган. Қуддус шаҳрида Ях-ва ибодатхонасини қурдирган. Замондошлари Сулаймоннинг донолигидан завқланиш-ган. У ўзининг ўткир ақли ва ғайриодатий фикрлаш тарзи билан шухрат қозонган.)

Ривоятларда айтилишча, Ҳазрат Сулаймоннинг: «Бу дунёдаги ҳамма нарса ўткан-чи», — деган сўзлар ўйиб ёзил-ган узоғи бўлган. Сулаймон ҳаётининг қайғули оларидега узоқдаги ана шу ҳикматли би-тиқни ўқиб, таскин топган.

Бир кун унинг бошига шундай бахтсизлик тушди-ки, узоқдаги сўзлар дардига малҳам бўлолмайди. Сулай-мон газаб билан узукни ечиб, отиб юборди ва думалаб бо-раётган узукнинг ички томо-нида ҳам аланданди битик борлигига ногаҳон қўзи туша-

ди. Урндан туриб, узукни қўли-га олади-да, битикни ўқийди. Узукнинг ички томонида: «Бу ҳам ўтиб кетади», — деган ёзув бор эди. Сулаймон аччиқ қу-лимсираб, узукни бармоғига та-қабди ва умрининг охиригача уни емайди.

Авлдлар келиб-кетаверади-лар, Ер эса абадий қолаверади.

Баъзан қулганда ҳам юрак-лар зирқирайди, қувонч эса қайғу билан яқин топади.

Мен доворактиқдан кўра до-нишмандлик афзал деган ўйда-ман.

Эртанги кун билан мақтан-ма, чунки у нималарни тақдим этилиши билмайсан.

Ақли одам қуфратни олдин-дан кўради ва ўзини панга ола-ди. Тажрибасизлар эса олға юриб жазоланадилар.

Шундай йўллар борки, улар инсонга тўғри кўринади. Аммо бундай йўлларнинг ниҳоси, ях-шиликка олиб бормаслиги ҳам мумкин.

Пикассо 23 ёшида Парижга бориш истагида Барсе-лонани тарк этиди. 1904 йили Монмартда ўз устахо-насини ташкил қилади. Шу ерда Фернандо Оливе билан танишади ва улар бирга яшай бошлашади. Фернандо фарзанд орузида Пикассога оғиз очади. Лекин расом ҳозир бунинг маериди эмаслигини, олдида катта режасалар турганини айтиб, аёлининг тақлифини рад этади. У кўпроқ одамлар орасида бўлишса иштиларди.

## Buyuklar muhabbati Пикассонинг етти гўзали

1911 йили Пабло Пикассо «Эрмитаж» кафесида Ева Гуэл-ни учратиб, уни севиб қолади. Бу севиғи таъсирида буюк қалб соҳибининг «Менинг гўзалим» портрети дунёга келади. Ушбу портрет орқали Пикассо аёлга ўз муҳаббатини ифшо қилган. Ева Пикассога худди шундай муҳаббат билан жавоб беради ва улар иккаласи Европа бўйлаб саёхатга жўнайдилар. Ева Пикассони илҳомлантирар, унга ижодий кўч бағишлар эди. 1915 йили улар турмуш қуриш-моқчи бўлишганда, тўсатдан аёлининг рақ билан касаллан-гани маълум бўлиб қолади. Ева баҳордан то қишгача касалхо-нада даволанади ва оламдан кўз юмади. Бу воқеа Пикассо-га қаттиқ таъсир қилади. У ўйчан, одамови бўлиб қолади. Тушкунлик кайфиятини ўзидан қувил мақсадида расом Рим-га қайтишга мажбур бўлади. Римда театрда ишга жойлаша-ди. Бу ерда у «Парад» балети-нинг костюм ва безаклари ус-тида ишлаётганда, 26 ёшли рус балеринаси Олга Хохлова-ни учратади. У олганин ўйчан ҳолатдаги сиймосини полотно-ларга кетма-кет кўчириб, аёл-ни ўзига мафтун этади. 1918 йили улар турмуш қуришади. Олга расомни дўстларидан йироқлашиб, ёлғиз яшашга кўндиришга ҳаракат қилади. 1921 йили уларнинг Пауло ис-мили ўғли дунёга келади. Шун-дай қилиб, 40 ёшида Пикассо ота деган номга мушарраф бўлади.



ҳамда янги севилиси Дора Маар ўртасида тақсимланади. Дора Олга ва Мария-Тереза ҳарқидоги барча ҳақиқатдан хабардор эди. Уч аёл қуришда яшаш Пикассога катта ташвиш ва қийинчиликлар туғдиради. Ниҳоят, Олга билан қонуний аж-ралишга аҳд қилади. У Мария-Тереза ва қизчасини ёлғизла-тиб қўйиб, вақти-вақти билан хабар олиб туради. Дора би-лан эса бирга яшай бошлади. У расомга қайтадан илҳом бе-рар, аёлининг ишқидан сармаст Пикассонинг қонида куч-ғайрат жўш уради. Айна шу аёл ту-файли расомнинг машхур «Герника» асари яратилган.

1943 йили Пикассо Париж-да ўз устахонаси рўпарасида-ги рестородалардан бирида Франсуаза Жило билан учра-шади. Пикассо аёлини бир кўришда ёқтириб қолади ва унинг суратини полотноларга кўчиради. Расом бу аёл билан учрашиб юрганда, Мария-Терезани ҳам унутмайди. Франсуазага бўлган муҳаббати натижасида «Аёл ва гул» но-мили портрети дунёга келади. Расом ҳаётга энди бошқа-на нигоҳ билан қарайди. Тез ора-да Франсуаза ҳомилдор бўла-ди ва 1947 йили йўл кўради. Болага Клод деб исм қўйиша-ди. Орадан икки йил ўтган, уларнинг Погрома исмли қиз-алоқлари туғилади. 1953 йили Франсуаза бевақт оламдан кўз юмади. 1955 йили эса Олга ва-фот этади. Фақат шундан кей-ин Пикассо Мария-Терезага уйланиш ҳақида гап очади. Бирок Мария-Тереза вақт ўтгани-ни рўқаб қилиб, никоҳга рози-лик бермайдди. Пикассо ўзини қандай овутиришни билмай юрган кезларда Жаклин Рок ис-мили аёлга рўпара қолади. Аёл расомнинг юрагидан жой ола-ди. Пикассо Жаклинга Канар оролларидаги вилла сотиб олиб беради. 1961 йили эса улар ўз тўғларини нишонлашади. Ушанда Пикассо 80, Жаклин эса 34 ёшда эди.

Пикассо 1973 йилнинг 7 ап-релида вафот этади. 92 ёши расом 80 мингга яқин мўна-лама, ҳайкалтарошлик асарлари-ни, ўзидан кейинги авлодга ме-рос қилиб қолдириди. Яратган портретларининг деярли бар-часида ўзи севаган, бирга яша-ган ҳамда ёқтирган аёллар сий-мосини аҳ эйтирган ва улар ҳозиргача барчани ҳайратта со-либ келмоқда.

**ЎЗДЖТУ талабаси Отабек ОТАЁРОВ,** тайёрлади

## Oilnish «Менинг ўғригина болам...»



Фанишер онаси розилигини олмай, қўнгли хушлаган бир аёл-ни топиб, у билан ноқонуний эр-хотин бўлиб яшай бошлади. Шу кетганча онасидан хабар ҳам ол-май қўйди. Хабар олмасам ҳам ўз кунини кўриб, топилгани билан тинч-тотув яшаса онасининг қўнгли тинч бўлариди? Бирок, бирор тайинли касб-корнинг эга-си бўлмай туриб ўзинча уйланган Фанишер рўзгорни тебраттишга қўнмалик қолди. Устоз Фойур Гу-ломнинг Мамажон ялқови айтан-дай, Қумри хотин эмас, халачўк экан. Хотиннинг ҳали у кам, ҳали бо кам, деб холдан тойдиришга чидаш қийин. Хулласи, Фанишер онасининг уйига қадар ранжидега қилишга мажбур бўлди. Эси кир-ганига шукур, дейишга шовшман. У онасининг уйига бошқа ниятда кириб келди. Тимирқиланиб, ат-рофни кидириб, унинг қалитини топди. Ичкарига кирган ўғил она-си зарурат учун яшириб қўйган 50 минг сўмни ўмарди-ю, изини ҳам йўқотиб кетганини ҳали кам сезмай қолди. Бунисига ҳам чидаса бўлар-ди. Фанишер орадан 5 кун ўтиб, яна она уйи олдида пайдо бўлди. Нафси шайтон гулгула қилиб қол-ганди. Қалит қўйган жойида туриб-ди. Демак, аввалги ўғилдан ҳеч кимнинг хабари йўқ. Жуда яхши, энди бор-йўқни шип-шийдон қила-ману бу томонлардан қорамни учи-

раман, деб ўйлаган ўғил, уйни очиб, сандиқ атрофидега айлана бошлади. У қулфланган. Нима қилиш керак? Энг яхшиси, қулф-ни бузиш керак. Шундай бўлди ҳам, Фанишер сандиқни бузиб очиб, унинг ичидан онасига тегиш-ли бўлган, яхши-ёмон кун учун йи-ғиб қўйган 1 миллион сўм пулини, жами 24 минг сўмлик қўнликлик матоларни, 150 минг сўмлик тилга ҳалқани, 100 минг сўмлик тилло ниқоҳ узакларини, жами 1 милли-он 484 минг сўмлик мол-мулкни

на онасининг фуқаролик паспор-тини қўшиб, ўғирлаб кетди-ю, Шаҳрисабз шаҳридаги қўма бо-зор савдо дўконларидан, муз-латчи, телевизор, видеолей-ер, бир дона гитам, ўзи ва хо-тинига қўйлаб қўнлик олиб, ялло қилиб яшашни ўзига эп кўрди. Бирок унинг хотиржамлиги узоқ давом этмади. Онанинг ариза-сига қўра, ўғил қўли олинди. Бу қандай бедодликки, тоғни урса талқон қилдиган йигит, халол меҳнат қилиб кун ке-чириш ўрнига ўз онасининг мол-мулкни ўғирлаб ўтирса. Одил суд ҳукми билан шаҳрисабзлик Фанишер Аллаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) тегишли жаэосини олди. Бирок ўғригина боласи учун онасининг ичи ачиганини ҳамма кўрди. Онанинг қўнли болада, бо-ланнинг қўнли далада. Қанийди, панжара ортидаги ҳаёт уни тар-биялаб ойдан йўлга олиб чиқса?..

**А.ЭЛМУРОВОД,** Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг судьяси, Ғози РАҲМОН, «Инсон ва қонун» муҳбири

<b>ИНСОН ва ҚОНУН</b>		<b>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</b>		<b>Набатчи:</b> Аслиддин СУЮНОВ		<b>Индекс: 646882</b>		<b>МАНАЗЛИМИЗ:</b> 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, Факс: 133-84-60, e-mail: inson_va_qonun@mail.ru	
МУАССИСА: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги		2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган		Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрвич		Ражабова Мавжуда Абдуллаевна		«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва сақланган. А-2 бичида, 2 босма табоқ ҳўржида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмахонасида босилди.	
1996 йилнинг январдан нашр этилади		Бош муҳаррир: Кўчқор НОРҚОБИЛ		Ахмедов Абдуҳалим Абдураимович		Рахмонов Абдуқамол Шодиевич		Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Ғ-715. Тиражи — 8120. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 21.20	
				Махмудов Ляззатнон Мирзаевич		Содиқов Хуршид Махмасидқович		Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХўЖАНАЗАРОВ	
				Мустафоев Бўритош Мустафоевич		Ҳамроев Ислам Ҳамзаевич		Топшириди — 21.20	